



Ислом Нури

Азиз ота-оналар ёш болага пайгамбаримиз
Мухаммад соллаллоху алайхи васалламни бу дарсда таништирамиз,
иншааллох. Сиз
азизлардан шуни илтимос киламизки, агар бу дарсликда шаклланган
саволларнинг
баъзилари фарзандларингизга тушунарсиз бўлса, ўзингиз бошқача
услублар билан уни
тушунтиринг. Чунки ота-оналар фарзандларининг таржимонлари
бўладилар.

1. Савол: Болажоним, бизнинг пайгамбаримиз ким?

Жавоб: Бизнинг
пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам

2. Савол: У кишининг
дадасини исми нима?

Жавоб: Абдуллох.

3. Савол: Пайгамбаримиз
соллаллоху алайхи васаллам каерда тугилган?

Жавоб: Маккада тугилган.

4. Савол: Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам онасининг исми
нима?

Жавоб: Омина.

5. Савол: Пайгамбаримиз хам бизга ўхшаб



Ислом Нури

Ўзбек тилида гаплашганларми?

Жавоб: Йўқ дадажон, у киши араб тилида гаплашганлар.

6. Савол: Болажоним, пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам кандай одам бўлганлар?

Жавоб: У киши одамларнинг энг яхшиси бўлганлар.

7. Савол: Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳам биз каби еб-ичадиган, ухлайдиган бўлганларми?

Жавоб: Ха, дадажон, у киши ҳам биз каби одам бўлганлар.